

БОЖХОНА ҚИЙМАТИ – БОЖХОНА ХИЗМАТИ ФИСКАЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

Фаррух Фуркатович ФАРХОДОВ

ўқитувчи

Божхона қўмитаси Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: farrux.farxodov@gmail.com

Аннотация

Мақолада божхона хизмати фискал фаолиятини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб кириладиган товарлар божхона қийматининг ўрни ёритилган. Шунингдек божхона қийматини тўғри белгилашни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: фискал фаолият, божхона тўловлари, божхона қиймати, ташқи савдо, қўшилган қиймат солиғи, имтиёз, акциз солиғи, давлат бюджети.

ТАМОЖЕННАЯ СТОИМОСТЬ КАК ОСНОВНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ФИСКАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ

Фаррух Фуркатович ФАРХОДОВ

Преподаватель

Таможенный институт Таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

e-mail: farrux.farxodov@gmail.com

Аннотация

В статье рассматривается роль таможенной стоимости товаров, ввозимых с таможенной границы Республики Узбекистан, в совершенствовании фискальной деятельности Таможенной службы. Также были внесены научно обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию правильного определения таможенной стоимости.

Ключевые слова: фискальная деятельность, таможенные платежи, таможенная стоимость, внешняя торговля, налог на добавленную стоимость, льгота, акцизный налог, государственный бюджет.

Фискал сиёсат ҳукумат томонидан халқнинг иқтисодиётини кузатиш ва таъсир ўтказиш учун харажатлар даражаси ва солиқ ставкаларини созлаш воситасидир. Ҳар бир мамлакат ўзининг фискал сиёсатини олиб боради, уни амалга ошириш учун мамлакатнинг фискал тизими мавжуд.

Божхона органларининг фискал функцияси божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши, бу йўналишда ишлашнинг янги

усулларини қўллаш ҳамда ушбу мақсадларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, ТИФ иштирокчилари томонидан божхона қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишга асосланади [2].

Божхона хизмати фискал фаолиятига таъсир қилувчи омилларга қуйидагилар киради:

- товарлар божхона қийматининг тўғри белгиланиши;
- товарлар чиқариб юборганидан кейинги божхона назорати, яъни божхона аудитини такомиллаштириш;
- ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ошиши;
- қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш;
- божхона хизматлари томонидан амалга ошириладиган пулли хизматларни кенг жорий қилиш;
- божхона тўловлари ставкаларини унификация қилиш;
- божхона тўловларида бериладиган имтиёзларни қўллашни ва уларни назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш;
- валюта курсининг кўтарилиши;
- хавф гуруҳига киритилган товарлар устидан божхона назорати самарадорлигининг оширилиши;
- божхона ишида ахборот технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш;
- халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.

Фискал манфаатлар йўлида ҳамда божхона тўловларининг ошиши ва тўғри ҳисобланишида юқоридаги омилларнинг асосийларидан бири бу – божхона қийматининг тўғри белгиланишидир. Шунинг учун, божхона органларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2020 йил 6 июндаги ПФ-6005-сон Фармони билан Жаҳон савдо ташкилоти

тавсиялари ва стандартларини инобатга олиб, хавфни бошқариш тизими асосида божхона қийматини аниқлаш ва назорат қилиш учун комплекс тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2022 йил 5 июндаги ПФ-122-сон Фармони билан божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришни рақамлаштириш бўйича қуйидагилар, яъни:

шартли божхона қийматини белгилаш бўйича хизматлар кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш;

божхона қиймати тўғри белгиланганлигини назорат қилиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш бўйича «Божхона қиймати мониторинги» ахборот тизимини яратиш;

божхона қийматининг эҳтимолий диапазонини автоматик ҳисоблаб чиқадиган ахборот тизимини жорий қилиш;

божхона органи томонидан божхона қийматини тасдиқловчи ҳужжатларни зарурат бўлганда қўшимча сўраб олиш амалиётини жорий этиш орқали ушбу ҳужжатларни мажбурий талаб этиш тартибини бекор қилиш;

божхона қийматини аниқлаш жараёнларида хавфни бошқариш ахборот тизимида индикатив нархларни белгилаш орқали назорат қилиш механизминини жорий этиш топшириқлари берилган эди.

Божхона қиймати – божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усулларида бири орқали аниқланадиган ва божхона тўловларини ҳисоблаш мақсадида фойдаланиладиган товар қийматидир.

Божхона қийматининг моҳияти ва аҳамияти бўйича дунёнинг бир қанча олимлари ўзларининг илмий тадқиқотларини олиб борган. Жумладан рус олими, профессор А.Н. Козириннинг фикрича, «Божхона қиймати – бу сотувчи ва харидор ўртасида қатнашувчи учинчи шахс, яъни божхона органи томонидан аниқланадиган товарнинг алоҳида қиймати ҳисобланади» [5].

В.Беляшев божхона қийматига қуйидагича таъриф беради: «Амалиётда божхона қиймати деб, муайян қўшимчалар ва чегирмалар асосида тузатишлар киритилган, шунингдек божхона тўловларининг ундирилиши учун ягона база сифатида асос бўлган, товар учун амалда тўланган ва тўланиши лозим бўлган товарнинг реал қиймати ҳисобланади» [4].

Божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қиймати – товарнинг божхона қийматини аниқлаш усулларида бири орқали аниқланадиган ва божхона тўловларини ҳисоблаш мақсадида фойдаланиладиган товарнинг қиймати ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қиймати тузилиши.

Бутун дунёда товарларнинг божхона қийматини аниқлаш жараёни ГААТ 7-моддасини қўллаш тўғрисидаги қоидаларга асосланган ҳолда амалга оширилиб, божхона қийматини ўзбошимчалик билан нотўғри маълумотларга асосланган ҳолда аниқланишига йўл қўйилмайди. У реал нархни кўрсатиб берадиган ҳамда импорт қилинаётган товарни ёки унга ўхшаш товарнинг ҳақиқий нархини намоён қилиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва ундириш божхона органларига юклатилган божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш, шунингдек, божхона статистикасини юритиш, божхонага доир бошқа мақсадларда товарлар қийматини белгилаш, божхонага оид ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган чораларнинг

қўлланилиши учун реал базани аниқлаш мақсадида амалга оширилади (2-расм).



2-расм. Олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматидан фойдаланиш мақсадлари [6].


Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларга божхона қийматини тўғри аниқлаш орқали мамлакат бюджети даромадлар қисмига пул маблағларини тўлиқ тушишига олиб келиб, мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштиради, иқтисодиётнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Товарнинг божхона қиймати декларант ёки декларацияловчи шахс томонидан божхона қийматини белгилашнинг келтирилган усуллариغا биноан белгиланади (3-расм).



3-расм. Олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш усуллари.

Божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида ундирилган божхона тўловларининг миқдори ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Таҳлиллардан кўринадики, 2018–2022 йилларда давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари 4 мартага ошган (4-расм).




4-расм. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2018–2022 йилларда давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари (трлн.сўм).

Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Божхона органлари томонидан 2022 йил давомида импорт қилинган товарларга қонунчиликда белгиланган ставкалар асосида жами 102,5 трлн.


сўм (100%) миқдорида божхона тўловлари ҳисобланган. Шундан, 46,0 трлн. сўм (44,9%) божхона тўловлари давлат бюджетига ўтказилган, 56,5 трлн. сўм (55,1%) божхона тўловларидан имтиёзлар берилган. Мамлакатимизда рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, экспорт салоҳиятни кенгайтириш ҳамда ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан таъминлаш мақсадида божхона тўловларидан имтиёзлар берилади. Божхона тўловларидан берилган имтиёзлар давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари ҳажмидан анча кўп қисмини ташкил қилади. Ушбу ҳисобланган божхона тўловлари таркибида имтиёз ва давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари ҳажмини қуйидаги диаграммада кўришимиз мумкин (5-расм).



5-расм. 2018-2022 йилларда ҳисобланган, берилган имтиёз ва давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таҳлили.

Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Божхона тўловларининг давлат бюджетига даромадлари қисмидаги улуши ҳам йилдан-йилга ошиб келмоқда. Бу кўрсаткич 2018 йилда 14,5 фоиз бўлса 2022 йилга келиб 22,7 фоизни ташкил этган. Бу даврда ушбу кўрсаткич 8,2 фоизга ўсган (6-расм).




6-расм. Ўзбекистон Республикасида 2018–2022 йилларда божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлари қисмидаги улуши (фоизда).

Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Божхона тўловларининг ўсишига: импорт товарлари ҳажмининг кўпайиши, товарлар божхона қийматини аниқланишининг такомиллашиши, божхона тўловлари ставкаларининг ўзгариши, валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланилиши, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллашаётганлиги, халқаро тажрибалар асосида хавфни бошқариш тизимининг қўлланилиши, божхона аудитининг янада самарали ташкил этилиши, божхона қийматини назорат қилиш ва бошқа ҳужжатларда кўрсатилган товарларнинг божхона қиймати тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги, божхона қийматини аниқлаш бўйича ахборот технологияларини кенг жорий қилиниши каби асосий омиллар таъсир этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги 3 йилда қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари миқдори 29 фоизга ортган (7-расм). Қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари таркибида божхона қийматининг нотўғри белгиланиши асосий қисмни ташкил қилади.



7-расм. 2020–2022 йилларда қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари (2020 йилга нисбатан фоизларда).

Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Таҳлиллардан кўришимиз мумкинки, сўнги йилларда «Божхона қиймати» йўналиши бўйича қўшимча ундирилган божхона тўловларининг жами ундирилган тўловлар таркибидаги улуши 2018 йилда 6,5 %дан 2022 йилда 42,1 %га ёки 6,5 баробарга ортган (1-жадвал).

1-жадвал

Божхона органларида 2020–2022 йилларда қўшимча ҳисобланган божхона тўловларининг келиб чиқиш сабаблари, фоизда.

№	Келиб чиқиш йўналишлари	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Божхона қиймати нотўғри белгиланиши бўйича	6,5	11,6	16,4	25,0	42,1
2.	Имтиёзлар нотўғри қўлланилиши	62,6	56,7	63,3	45,4	38,7
3.	ТИФ ТН коди нотўғри белгиланиши	14,5	20,1	5,2	8,0	7,2
4.	Товар келиб чиқиш сертификати бўйича	3,4	5,4	7,6	15,5	4,8
5.	Бошқа ҳолатларда	13,0	6,2	7,5	6,1	7,2
Жами		100	100	100	100	100

Бунинг асосий сабаблардан бири сифатида божхона тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни келтириш мумкин. Яъни, Божхона қўмитаси томонидан жорий қилинган божхона қийматининг аниқланиши бўйича ахборот тизимларининг жорий қилиниши ҳамда мамлакатимиз ташқи савдо

айланмасида юқори улушларга эга мамлакатлар билан ўзаро электрон маълумотлар алмашишнинг жорий қилиниши ва маълумотларни таҳлил қилиш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилиши натижаси дейишимиз мумкин.



8-расм. «Божхона қиймати» йўналиши бўйича қўшимча ундирилган божхона тўловларининг жами ундирилган тўловлар таркибидаги улуши (фоизда).

Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона хизматининг фискал фаолиятини такомиллаштириш учун қуйидаги таклифлар берилади:

- олиб кириладиган товарларни расмийлаштирув жараёнида товарларнинг қўшимча ўлчов бирликлариغا нисбатан божхона қиймати ҳисобланмасдан, индексга, яъни товарнинг 1 килограммига нисбатан товар қийматига ўтиш;

- олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлашда регрессион таҳлили орқали хавфларни бошқариш тизимидан кенг фойдаланиш;

- божхона аудитини ўтказишда божхона қийматининг тўғри аниқланиши юзасидан уларнинг стандартлар ва методикасини ишлаб чиқиш;

- божхона қийматининг аниқланишида нотўғри маълумотлар берганлиги учун жавобгарлик чораларини белгилаш.

Хулоса қилганда, Божхона қўмитаси хизмати органлари томонидан божхона қийматини аниқлашда ахборот технологияларини қўллаш орқали божхона расмийлаштируви учун кетаётган вақтнинг қисқариши, инсон омилининг камайтирилиши, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлилик тамойиллари асосида коррупциядан холи тизимга айланишига ҳамда давлат бюджети даромадлар қисмининг янада қўпайишига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2016 йил 20 январда. ЎРҚ-400-сон. “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги. <https://lex.uz/docs/2876354>.
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 06 сентября 2020 года №ПФ-158. “О реформировании таможенного администрирования и совершенствовании деятельности органов государственной таможенной службы Республики Узбекистан. <https://lex.uz/docs/4844619>.
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 27 апреля 2022 года № 122 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию таможенного администрирования». <https://lex.uz/ru/docs/5998704>.
4. Беяшов В.А. Таможенный энциклопедический справочник. В 2-х томах. / Под ред. И.Ю. Краснянского. – Москва: Летописец, 1999. –165 с.
5. Козырин А. Таможенная пошлина. – Москва, 1998. – 299 с.
6. Пардаев Т.Н. Божхона тўловлари йиғилувчанлигини оширишда божхона қиймати ва уни аниқлашни такомиллаштириш йўллари. //Божхона ахборотномаси, 2020. – № 1. – Б. 28.
7. Пардаев Т.Н. Божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш – иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили. //Бозор, пул ва кредит, 2020. – №5. – Б. 250.
8. www.customs.uz